Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 14 февраль Шанба. № 11-12 (144105)

## ИСЛОМ КАРИМОВ УКРАИНАГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучманинг таклифига биноан шу йил 18-20 февраль кунлари расмий ташриф билан Украинада бўлади.**

## ОЛИМА ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Ҳиндистон элчихонасининг маданият марказида таниқли файласуф олима Елена Рерих туғилган кунга бағишлаб адабий кеча ўтказилди. Тошкентдаги Рерих жамияти билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбирда олиманинг фалсафа фанига қўшган ҳиссаси, олиб борган илмий тадқиқотлари, изланишлари хусусида фикр билдирилди. Сўнгра машҳур Рерихлар сулоласига мансуб слайдлар кўргазмаси намойиш этилди. Тадбирда Ҳиндистоннинг юртимиздаги элчихонаси маслаҳатчиси Ашок Кумар Шарма, Маданият маркази раҳбари, профессор Қамар Раис иштирок этди. Кеча ниҳоясида Тошкент давлат консерваториясининг IV босқич талабалари мумтоз мусиқа намуналаридан ижро этишди.

**НАРГИЗА**

### "КАМОЛОТ" ХАБАРЛАРИ

## МУСОБАҚАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

"Камолот" жамғармаси биносида "Камолот кубоги" турнирини ўтказиш ташкилий қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида мусобақани юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Унда беллашувларни уюштиришга масъул вазирликлар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек "Камолот" жамғармаси вилоят бўлими раҳбарлари иштирок этишди. Унда "Камолот" жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи муовини К.Юсупов, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, раиси Б.Махситов, халқ таълими вазири ўринбосари Х.Маъсудов, Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бўлими бошлиғи муовини А.Юнусхўжаев, Касаба уюшмалари федерациясининг "Ўзбекистон" жисмоний тарбия ва спорт кўнгилли жамияти Марказий Кенгаши раиси В.Бойко ва бошқалар сўзга чиқиб, жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, белгиланган режалар хусусида фикрлашиб олдилар.

Шунингдек "Камолот Кубоги"нинг рамзи тасдиқланди. Турнирнинг ҳакамлар ҳайъати тузилди. Ҳакамлар раиси этиб, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Махситов сайланди.

**НОЗИМА**

## ЖИЗЗАХДА ЎЗГАРИШ

**Жиззах** вилоят "Камолот" жамғармаси бўлимининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ҳайдар Норчаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан "Камолот" жамғармаси вилоят бўлимининг раиси вазифасидан озод этилди. "Камолот" жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими ижрочи директори бўлиб ишлаётган Фарҳод Исмоилов Жиззах вилояти бўлими раиси этиб сайланди.

Мажлисда Республика "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси Ҳ.Абдураимов қатнашди. Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев нутқ сўзлади.

**Э.ЎРОҚОВ**

## "СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?"

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодга амалдаги қонунлар моҳиятини кенг тушунтириш, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида "Камолот" жамғармаси **Навоий** вилоят бўлими, халқ таълими , ички ишлар , Адлия бошқармалари ҳамкорликда шаҳар мактаблари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови ўтказишди.

Танловда Навоий шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқувчилари ғолиб деб топилиб, вилоят кўрик танловида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**М.БОБОМУРОДОВА,**
**ўз мухбиримиз**

## БИРЛАШГАН ЎЗАР

**Самарқанд**да "Ёшлар муаммолари" мавзуида конференция бўлиб ўтди. Ушбу конференциянинг ташкилотчиси "Камолот" жамғармаси вилоят бўлими бўлди. Унда вилоят Адлия бошқармаси, Касаба уюшмалари кенгаши, Тадбиркорлар Палатаси, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази вилоят бўлими вакиллари қатнашди.

Энди ёшларни қийнаётган муаммолар бу ташкилотлар билан бевосита жамғарманинг вилоят бўлими ҳамкорлигида ҳал этилади.



## ҚИШЛОҚ ФАЙЛАСУФИ

Жиззах вилояти, кўриқ Зарбдор туманидаги Ғафур Ғулом номидаги 9- ўрта мактаб ўқувчиси Ф.Каримов китоб мутолаа қилишни ёқтиради. Қани энди имкон бўлса, эртадан кечгача китоб ўқиб ўтирса. Бироқ, қишлоқ йигитининг ташвишлари ҳам ўзига етарли. Ҳамма фанларни ўзлаштиришдан ташқари, ота-онасига уй ишларида ҳам ёрдам бериши керак.

У билан учрашсангиз, Миллий дастур ҳақида, ҳукуматимиз ёшларга катта эътибор бериб, уларни ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун кўрсатаётган ғамхўрликлари ҳақида жўшиб, қувониб сўзлаб беради. Шу боис бўлса керак, Ф.Каримовнинг баъзи дўстлари уни "Қишлоқ файласуфи" деб ардоқлашади.

**Суратказ: А.ГЕРАСИМОВ**

## ТАЛАБАЛАР КУЧ СИНАШДИ

Илгари хабар қилганимиздек, "Камолот" жамғармаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўқув юртларида "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловини ўтказмоқда.

Самарқандда унинг вилоят босқичи ниҳоясига етди. Унда Самарқанд Давлат Университети ва Самарқанд Тиббиёт институти талабалари куч синашди. Омад тиббиётчи талабаларга кулиб боқди. Энди улар минтақавий босқичда ўз "рақиблари" билан куч синашади.

* * *

Шунингдек, **Қорақалпоғистон** Республикасида ҳам шундай танлов бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Давлат Университети ҳамда Нукус Давлат педагогика институти талабалари ўртасида ўтказилган беллашувда университет талабаларининг қўли устун келди.

Улар эсдалик совғалари билан тақдирланиб, кейинги учрашувда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

**Ўз мухбиримиз**

## "АДОЛАТ" ҒОЛИБ

Шу кунларда мамлакатимиз ёшлари ўртасида "Сиз Қонунни биласизми?" мавзуида кўрик-танловлар бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай кўрик-танловлар **Тошкент** туманидаги 22 мактаб жамоалари ўртасида ҳам бўлиб ўтди.

Унда биринчи ўринни 7-ўрта мактабнинг "Адолат" жамоаси эгаллади. Иккинчи ўринни 9-ўрта мактаб, учинчи ўринни эса 10-ўрта мактаб ўқувчилари қўлга киритди.

"Адолат" жамоасининг иштирокчилари Дилафрўз Расулова, Наргиза Расулова, Жаҳонгир Мелибоев ва бошқалар ўз билимлари, зукколиклари билан томошабинлар ҳурматига сазовор бўлишди.

Ғолибларга фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Жўра МАҲМУД**

## НАВРЎЗ МАЛИКАСИ КИМ БЎЛАДИ?

Каттақўрғон шаҳар педагогика билим юртида "Наврўз маликаси" кўрик-танлови ўтказилди. "Маънавият ва маърифат" маркази шаҳар бўлими ҳамда талабалар касаба уюшмаси ташаббускор бўлган ушбу танловда иштирокчилар ўзларининг билим савияси, истеъдоди ва маънавий камолотини намойиш қилишди.

Танлов шартларига кўра, ғолиб деб топилган Дилдора Авазова Наврўз маликаси сифатида навбатдаги босқичга йўлланма олди. Шунингдек, ғолиблар сафидан ўрин олган Нилуфар Алиева ва Дилафрўз Муқимова ҳам совғалар билан тақдирланди.

**М.МУЗАФФАРОВ,**
**билим юрти ўқитувчиси**

## ДЗЮДОЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

**Наманган**да дзюдо бўйича таниқли полвон Тоҳир Мадраҳимов хотирасига бағишланган мусобақа бўлиб ўтди. Анъанага айланган ва олтинчи марта ўтказилаётган бу мусобақада республиканинг кўп вилоятларидан, шунингдек, Қозоғистон ва Тожикистондан келган спортчилар қатнашмоқда. Мусобақа уч кун давом этади. Ғолибларга Республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлигининг қимматли совринлари топширилади.

**Назира ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

### Танишинг: Президент стипендияси совриндорлари

## ИЛМГА ИНТИЛИБ

***Азизбек Холлиев Президентимизнинг аспирантлар учун давлат стипендиялари танловининг "Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий йўналиши" бўйича ғолибидир. У ўрта мактабни битиргач, ТошДУда тарих мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Ўқиш мобайнида талабалар учун таъсис этилган Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси ҳамда Ўзбекистон Президенти стипендияси совриндори деб топилган. Ҳозир у юқорида номи қайд этилган илм даргоҳида тарих фани мутахассислиги бўйича 3-босқич аспиранти.***

***Суҳбатимиз аввалида ундан илмий изланишлари хусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.***

-- Номзодлик диссертациямнинг мавзуи "Мустақил Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалари (Буюк Британия ва АҚШ мисолларида 1991-1995 йиллар)" деб аталади. Юртимизнинг айнан мана шу давлатлар билан алоқаларини илмий тадқиқ этиш мавзусини танлашимнинг боиси Америка Қўшма Штатлари ҳамда Буюк Британия давлатлари жаҳоннинг энг тараққий этган, илм-фан, маориф, маданият, техник ривожланиш бўйича ҳам дунёда етакчи ўрин тутганлигидир. Энди ушбу мамлакатларнинг бевосита Ўзбекистон билан алоқалари хусусида тўхталадиган бўлсак, иқтисодиётимизга энг кўп сармоя олиб кираётган, савдо-сотиқ, маҳсулот айирбошлаш, иқтисодий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш, қўшма корхоналар тузиш бўйича ҳам улар муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, 1995 йилга қараганда 1996 йилда АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги мол айирбошлаш 17 баробар ошган. "Зарафшон-Ньюмонт" Ўзбек-Америка қўшма корхонаси ҳамда "Ўз-БАТ" Ўзбек-Британия қўшма корхонасининг фаолияти ҳавас қилса арзийдиган даражададир.

Жаҳонга юз очаётган Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ташқи алоқалар муҳим ўрин тутади. Мазкур мавзуга қўл уришимга асосий сабаб ҳозиргача бу соҳанинг ўрганилмаганидадир. Қолаверса, унга оид китоблар ҳам, дарсликлар ҳам йўқ. Фактологик маълумотларни қатор вазирликлар, қўшма корхоналар, статистик ахборотлар, элчихоналардан тўпладим. Ундан ташқари 1996-97 йилларда Англияга борганимда Ўзбекистон ваколатхонаси ходимлари, юртимиздаги бугунги ислоҳотларга жиддий қизиқиб қолган олимлар билан суҳбатлашдим. Илмий ишимни ана шуларни жамлаган ҳолда ёздим. Унга тарих фанлари номзоди, доцент Хондамир Ғуломов илмий раҳбарлик қилганлар.

**-- Англия сафари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

-- Европа Иттифоқи томонидан маблағ билан таъминланган "Тарих" қўшма Европа лойиҳасининг ТАСИС-ТЕМПУС йўналиши бўйича Англияга бордик. Мазкур лойиҳада Буюк Британиянинг Эксетер университети, Франциянинг Ренн-2 университети, Даниянинг Фредриксберк семинарияси ҳамда ТошДУ тарих факультетининг тўрт нафар вакили қатнашди. Унда тарих фанини ўқитиш услубиятини ўрганиб, малака ошириб қайтдик.

**-- Англиялик ёшлар билан ўзбекистонлик йигит-қизлар ўртасида тафовут қандай?**

-- Ёшлар ҳамма жойда ҳам ёшлар. У ерда ҳам ўқишади, дам олишади. Айтарли фарқи йўқ. Тўғри, миллий хусусиятлари ўзига хос. Лекин Ўзбекистон ёшларининг иқтидори, интилиши, тафаккури, дунёқараши, меҳнаткашлиги жаҳон ёшларидан сира кам эмас.

Қолаверса, ҳукуматимиз ва шахсан йўлбошчимизнинг ўзлари бугун биз ёшларга катта эътибор, умид, ишонч-ла аҳамият беришмоқда-ки, бунга жавобан пухта илм олиб, меҳнатимиз, изланишларимиз билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашимиз зарур. Чунки илм ҳамиша юксаклик сари элтади.

**Н. УСМОНОВА суҳбатлашди**

## ТАЛАБАЛАР САРСОН

### "Туркистон" — SOS

***Таҳририятдан: Самарқанд 2-педагогика билим юрти талабалари номидан хат олгандик. Унда бу билим юрти ётоқхоналаридаги камчиликлар ёзилган эди. Шу боис, уни самарқандлик мухбиримиз Нодир Жонузоққа жўнатиб, талабалар ҳаётини ўрганишни сўрадик. Мухбиримиздан қуйидаги жавобни олдик:***

Билим юрти ҳовлисига кириб борганимизда дарслар тугаб, ўқитувчилар энди тарқалишаётган экан. Муддаомизни айтдик. Зумда директорнинг бешта муовини ҳам жам бўлишди. Директорнинг ўзи йўқ экан.

**Олим ҲАКИМОВ, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини:**

-- Кўп тадбирлар ўтказяпмиз. Масалан, янги йил базми, ҳарбийлар кунига бағишланган кеча...

**-- Булар тақвимий байрамлар-ку?**

-- Тўғри. Бошқа тадбирларимиз ҳам йўқ эмас. Оила йилига хос тадбирлар, маънавий-маърифий учрашувлар, турли мусобақа-муҳобасалар ўтказилаяпти...

Суҳбатдан кейин тўғри билим юрти кутубхонасига йўл олдик. Кутубхона каттагина экан. Ҳисобида 27 мингга яқин китоб сақланмоқда. Шундан 15655-таси дарсликлар, 5227 таси ихтисос китоблари, 4629 таси бадиий адабиётлар, 1350таси ижтимоий мавзудаги асарлар. Бу йил яна 2567та китоб олинган. Кутубхонанинг кенг ўқув зали бор. Ўнлаб газетанинг янги сонлари ҳам тикилган тахламлари турибди. Фақат... ичкари жудаям совуқ. Бундай ҳолатда бу ерга бировнинг газета ёхуд китоб титкилаш учун келишини тасаввур қилиш қийин. Кутубхона мудираси Ҳалима Қосимовагина оёғи остига электр печ қўйиб ўтирган экан.

**-- Бу ерда эртадан то кечгача турасизми, опа?**

-- Ҳа.

**-- Азоб-ку. Қишки чиллани қандай ўтказдингиз?**

-- Унчалик совуқ эмас. Бахтимизга бу йил қиш яхши келди.

Ўнга яқин талабанинг аъзолик варақасини кўриб чиқдик. Уларда фақат йил бошида олинган дарсликларгина номини учратдик.

Ундан кейин бизни қизиқтирган билим юрти талабалар ётоқхонаси билан таниша бошладик. Учинчи қаватда қизлар туришаркан. Коридорда юрганларига эътибор қилдик: ҳаммаси қалин кийиниб олишган. Кўпгина хоналар қароқчи ургандай бўшаб ётибди. Ичида битта-яримта носоз мебелни учратиш мумкин. Ётоқхона ҳаёти билан танишарканмиз, хафа бўлиб гапирганлар бу ердаги аҳвол тўғрисида ёлғон ёзмаганлигига амин бўлдик.

**--Совқотмаяпсизларми?- ошхонада овқат қилаётган бир қиздан сўрадим.**

-- Йўқ, ўрганиб қолганмиз. Физкультурачиларга унча-мунча совуқ писанд эмас.

Дарвоқе, бу ўқув даргоҳида асосан жисмоний тарбия ва бошланғич таълим ўқитувчилари тайёрланишини айтишни унутибмиз. Билим юртида 525 талаба ўқийди. Шундан 189 талаба ўз уйидан қатнайди. 167 талаба ётоқхонада истиқомат қилади. 169 талаба эса ижарада яшайди. Агар айни пайтда 31 талаба яшаётган иккинчи ётоқхона ҳамда шароит йўқлигидан ҳеч кимса турмаётган учинчи ётоқхона таъмирланиб, бир ҳолга келтирилсайди, бугунги иқтисодий жиҳатдан мураккаб паллада 169 талаба 500-700 сўм тўлаб ижарада турмаган бўларди.

Хоналарга кирамиз. Қизлар ош қилишга тайёргарлик кўришяпти экан.

**-- Шароитларингиз қандай, қизлар?**

-- Ёмон эмас. Тўғри, бироз совуғу... лекин яқин ўртада иссиқлик тармоғи ҳам ишлаб қолади дейишяпти-ку,- дейди IV курс талабаси Зуҳра Аҳмедова.

**-- Ўтган йили ҳам шундаймиди?**

-- Йўқ, ётоқхонанинг ярми яхши исирди. Қувурларга ҳаво тўлиб қолса, тиқинларни бўшатиб, чиқариб юборардик.

**--Бизга маълум бўлишича, куз ойларида ётоқхона учун деб стипендияларингиздан 75 сўмдан олиб қолишган экан. Нима, ётоқхона пулликми?**

-- Пуллик эмасу, лекин ўшанда норози бўлсак ҳам таъмирлаш ишлари учун деб олиб қолишгани рост,- деди қизлардан бири.

Бу орада директор Санобар Азимова етиб келди. У киши билан бироз ётоқхоналарни "сайр қилгач", суҳбатни ишхонада давом эттирдик:

-- Ҳадеб танқид қилавермай, ижобий тарафларимизни ҳам ёзинглар-да.

**-- Ёзамиз, бироқ қишнинг қаҳратонида дилдираб ўтирган талаба учун рангли телевизордан кўра иссиқроқ хона зарурроқ-да.**

-- Нима қилай, ука, ишга тайинланганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Келган пайтимда бу ердаги аҳволни кўриб, рости даҳшатга тушгандим. Ўзингиз ўйланг ахир, келгуси йили 80 йиллигини нишонлайдиган бу физкультурачилар масканининг шу пайтга довур тузукроқ бассейни ҳам бўлмаган. Машғулотлардан терлаб чиққан талабалар учун ювиниш хоналари ҳам йўқ. Эски иситиш тармоқларини янгилари билан алмаштирмоқчи бўлгандим. Улгуролмай қолдик. Сабаби банк 17 ноябрдан бошлаб пул беришни тўхтатди.

**-- Ётоқхона таъминланиши учун деб талабалар стипендиясидан 75 сўмдан олган экансизлар?**

-- Ҳа, сентябрь, октябрь ойлари стипендиясидан чегириб қолганмиз. Бу ҳақда педагогика кенгашининг махсус қарори бор.

**-- Лекин талабалар норози бўлишган экан-ку!**

-- Нега норози бўлишади?! Норози бўлишса, ётоқхонада туришмасин. Ахир мен керакли маблағни қаердан олай бўлмаса?

Опадан педагогика кенгаши қарорини сўрадик. Дарҳақиқат, шундай қарор қабул қилинган экан. Фақат қарор тепасида турган "1997 йил, 29 ноябрь" санаси бизни жудаям ажаблантирди. Ахир гап сентябрь, октябрь ойлари стипендияси ҳақида кетаяпти-ку. Наҳотки аввал бир иш бажарилиб, сўнг у ҳақда қарор қабул қилинса?! Бу саволимизга директор опа ҳам тайинли жавоб беролмади.

**-- Билишимизча, билим юртида "Камолот" жамғармасининг жамоатчилик бўлими фаолият кўрсатаётган экан.**

-- Ҳа. Аввал Лутфулла деган йигит ишларди. У бошқа жойга ишга ўтиб кетгач, "Камолот" жамғармаси шаҳар бўлими ўрта маълумотли бир кишини жўнатишди. Ишга қабул қилмадим. Кейин ўзимизни битириб чиққан бир қизни тавсия этишди. Ўқитувчилар билан кенгашган эдим, "ишни олиб кетолмайди" дейишди. Табиийки, уни ҳам ишга олмадим...

**-- Барибир бу масалани ҳал қилиш керак-ку.**

-- Эртага яна бир ходим келар экан, кўрайликчи...

**-- Опа, яна ётоқхона масаласига қайтсак...**

-- Иситиш тармоқлари бўйича олиб бораётган таъмирлаш ишларимиз ниҳоясига етай деб қолди. Худо хоҳласа, сизнинг ёзмоқчи бўлган мақолангиз чиқар-чиқмас, ишга тушиб кетади. Ахир, ҳеч бўлмаса, икки-уч йил раҳбарлик қилай, кейин ишларимни баҳоласангиз ярашади.

Директор опа билан хайрлашарканмиз, анчагина совуқ еган бўлсак-да, нафасимизни иссиқ қилдик: "Илоҳи, бу масканни танқид қилиб эмас, мақтаб ёзадиган даврлар тезроқ келсин".

**Нодир ЖОНУЗОҚ,**
**"Туркистон"нинг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири**



# "КАМОЛОТ" КУБОГИ



БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗҒИН

## Волейбол ва баскетбол бўйича ўтказиладиган мусобақалар анъанавий бўлиб қолса ажаб эмас

**Илгари хабар берганимиздек, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш борасида хайрли ишга қўл урилди: волейбол ва баскетбол бўйича "Камолот" кубоги учун мусобақалар ўтказиладиган бўлди. Муштарийлар таҳририятимизга мусобақаларни ўтказиш тартиблари, унда кимлар қатнашишлари мумкинлиги каби саволлар билан қўнғироқ қилишмоқда. Шу боис, "Камолот" жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, мусобақани ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзоси Комил ЮСУПОВга саволлар билан мурожаат этдик.**

***-- Комил ака! Нима учун айнан спортнинг волейбол ва баскетбол турлари бўйича мусобақа уюштирилмоқда?***

-- Масалан, нима учун футбол ёки бошқа турлар бўйича эмас, демоқчисизда! Кўз олдингизга келтиринг: уч-тўрт ёш гаплашиб турибди. Уларнинг ёнида копток бор. Албатта ёшлар футбол ўйнагиси, ҳеч бўлмаганда коптокни тепиб ёки бир-бирига отиб ўйнагиси келади. Волейбол ёки баскетбол билан шуғулланиш учун махсус майдончалар ёки бошқа мураккаб анжомлар кўп ҳам керак эмас. Энг муҳими иштиёқ бўлса бас.

Яна бир муҳим жиҳати -- спортнинг бу икки тури одамларнинг бўйини ўстиради, қўл ва оёқ мушакларини бақувват қилади. Аслида сўнгги пайтларда спортнинг бу турларига эътибор ҳам сал камайиб кетган эди. Мамлакатимизда соғлом авлод учун ҳаракат бошланган экан, демак, спортнинг бу турлари баркамол ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Мусобақаларни ўтказишдан кўзланган яна бир мақсад -- Ўзбекистон Республикаси "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонуни"ни ҳаётга татбиқ этиш, "Соғлом авлод учун" давлат дастурини бажариш, аҳолини спорт мусобақаларига оммавий равишда тортиш, фуқаролар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, турли қатламларга мансуб ёшлар орасида ўзаро спорт мусобақаларини йўлга қўйиш, шунингдек, спортнинг волейбол ва баскетбол турларини оммавийлаштиришдан иборатдир.

***-- Мусобақани ўтказиш тартиблари билан таништирсангиз.***

-- Беллашувлар барча вазирлик, идоралар тизимларида ва маҳаллаларда алоҳида ўтказилади. Биринчиликни қўлга киритган жамоалар "Камолот" кубоги турнирида иштирок этадилар. Мусобақаларнинг иккинчи босқичи якунида туманларда йирик тузилмаларнинг терма жамоалари ташкил қилинади. Беллашувлар барча босқичларининг фаол жамоалари вазирлик ва идоралар томонидан тақдирлаб борилади.

***-- Вазирликларда мусобақалар қандай уюштирилади? Масалан, Халқ таълими вазирлигида мактаб ўқувчиларидан ташқари олий ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчилари жамоалари ҳам бор.***

-- Мазкур вазирликда мусобақалар икки йўналишда ўтказилади. Биринчи йўналишда ўрта мактаблар, лицейлар, гимназия ва касб-ҳунар билим юртлари ўқитувчилари жамоалари куч синашади. Бу йўналишдаги беллашувларда биринчиликни қўлга киритган жамоа кубок турнирига йўлланма олади.

Иккинчи йўналишда ўрта мактаб, лицей, гимназия ва касб-ҳунар мактаблари юқори синф ўқувчилари куч синашади. Сиз эслатган вазирлик қарамоғидаги олий ва ўрта махсус билим юртлари олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги тизимидаги мусобақаларда иштирок этадилар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ўқув юртлари талабалари ва ёш ўқитувчилари жамоалари алоҳида куч синашади. Тошкент шаҳридаги ўқув юртлари алоҳида минтақавий гуруҳда беллашадилар.

Мудофаа вазирлиги тизимида бўладиган мусобақаларда ҳарбий қисмлар аскарлари жамоалари ва олий ҳарбий билим юртлари курсантлари ҳамда академия тингловчилари алоҳида мусобақалашади.

Ички ишлар вазирлиги тизимида беллашувлар икки йўналишда ўтади. Биринчи йўналишда туман ички ишлар бўлимлари ходимларидан иборат туман жамоалари ташкил этилади. Улар уч босқичда мусобақаларда қатнашиб, вилоят босқичи якунида фаол иштирок қилган жамоалар аъзоларидан иборат вилоят терма жамоаси ташкил этилади. У эса кейинги босқичларда қатнашади. Бу йўналишда биринчиликни қўлга киритган жамоа турнирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Ички ишлар вазирлиги академияси ва бошқа ўқув юртлари жамоалари ҳам алоҳида беллашадилар. Маҳаллалар тизими жамоалари мусобақаларида биринчиликни қўлга киритган жамоа "Камолот" кубоги беллашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Касаба уюшмалари федерацияси тизимида шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари жамоалари мусобақалари алоҳида ўтказилади.

***-- Турнирни ўтказишга "Камолот" жамғармасидан ташқари Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, касаба уюшмалари федерацияси, Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси мутасадди экан. Мабодо бошқа вазирлик ёки идоралар меҳнат жамоалари ҳам мусобақаларда қатнашиши мумкинми?***

-- Албатта. Ушбу турнирни ўтказиш тўғрисидаги қўшма қарорни имзолашда иштирок этмаган бошқа вазирлик ва муассасаларнинг меҳнат жамоалари ҳам беллашувларда иштирок этишлари мумкин, яъни турнир барча учун очиқдир. Бунинг учун улар мусобақаларни ўтказиш бўйича белгиланган шартларга амал қилишса, барча босқич мусобақаларини ташкил қилишса, турнир Низомини асос қилиб олишса -- бас! "Камолот" жамғармаси ҳузурида тузилган мусобақа ташкилий қўмитасига мурожаат этишса, барча масалаларни ҳал этамиз.

***-- Мусобақани ўтказиш босқичларига ҳам аниқлик киритиб берсангиз.***

-- У 6 босқичда ўтказилади: 1. Туман ҳудудий бўлимлари (жамоа хўжаликлари) мусобақалари; 2. Туман (институтлар, техникумлар, ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий билим юртлари) биринчилиги мусобақалари; 3. Вилоят (гарнизон) биринчилиги; 4. Вилоятлар (гарнизонлар) минтақавий гуруҳлари мусобақалари; 5. Вазирликлар ва идоралар, муассасалар биринчилиги; 6. "Камолот" кубоги мусобақалари.

***-- Вилоятлар минтақаларга қандай ажратилган?***

-- Биринчи минтақага Андижон, Наманган, Фарғона; иккинчи минтақага Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳри; учинчи минтақага Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари; тўртинчи минтақага Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари киритилган.

***-- Мусобақаларни ўтказиш муддатлари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.***

-- Ҳозир биринчи ва иккинчи босқич мусобақалари ўтказилмоқда. У март ойида якунланади. Учинчи ва тўртинчи босқич апрель-май, бешинчи босқич июнь, олтинчи босқич сентябрь ойларида ўтказилади.

***-- Мусобақалар ўтказиш учун ҳакамлар масаласи қандай ҳал этилган?***

-- Бу масалалар билан Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, ишчи гуруҳи шуғулланмоқда. Улар ҳар бир мусобақани малакали ҳакамлар, мутахассислар, спорт майдонлари, анжомлар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлайди.

***-- Айтайлик, олий ўқув юрти талабаси ўз вазирлиги мусобақаларида қатнашиш билан бирга, маҳалла оқсоқолларининг сўзини ерда қолдирмай, маҳалла ўтказаётган беллашувларда ҳам қатнашмоқчи бўлди...***

-- Асло бунга йўл қўйилмайди. Ҳатто, мусобақаларда профессионал баскетбол ва волейболчиларнинг иштирок этишига ҳам рухсат этилмайди. Бизнинг мақсадимиз кубокка эгалик қилиш учун мусобақаларнинг қизғин ўтишини таъминлашдангина иборат эмас. Аслида бу ҳам муҳим. Энг аввало -- турнирга кўплаб йигит ва қизларимизни жалб этиш, спортнинг оммавийлигини таъминлашга ҳисса қўшиш орқали халқимизни жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиб етишувини таъминлашдан иборатдир.

***-- Профессионал спортчи деганда кимлар кўзда тутилган ва улар қандай аниқланади?***

-- Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари, олий ва биринчи лига ўйинчилари турнирда иштирок этмайдилар. Уларни бизга Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси аниқлаб беради. Кези келганда шуни эслатиб ўтиш жоизки, профессионал спортчиларни сафларига жалб этган жамоалар турнир мусобақаларидан четлаштириладилар.

***-- Мусобақа ғолибларига кубокдан ташқари яна қандай совғалар берилади?***

-- "Камолот" кубогида ғолиб чиққан жамоа аъзоларига спорт устаси ва спорт усталигига номзод унвонлари берилади. Шунингдек, ғолиб жамоа хорижга саёҳатга юборилади ва ҳомийлар томонидан берилган мукофотлар фонди маблағлари ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилади.

Имкониятдан фойдаланиб, "Камолот" номини дилга жойлаб, қизғин беллашувларга бел боғлаган йигит ва қизларимизга зафарлар тилайман!





**"Камолот" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишни ошириш йўлида мунтазам тадбирлар ўтказиб келади. Куни кеча Собир Раҳимов туманидаги 242-ўрта мактабда навбатдаги тадбирлардан бири -- "Камолот" кубоги мусобақалари ўтказилди. Унда пойтахтимиздаги барча туманлар спорт жамоалари ўзаро куч синашдилар.**

**Суратларда: Мусобақа иштирокчилари.**

**М.АМИН (ЎзА) суратлари**

## МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

***Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига бағишланган "КАМОЛОТ КУБОГИ" турнири кун сайин қизғин тус олмоқда. Мухбиримиз мусобақа мутасаддиларига мусобақаларга кўрилган тараддуд ҳақида саволлар билан мурожаат этди.***

**Баҳодир МАХСИТОВ, Республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг раиси:**

-- "Камолот" жамғармасининг волейбол ва баскетбол бўйича кубогининг моҳиятини ёшларга етказиш ниҳоятда муҳимдир. Айтиш жоизки, ушбу мусобақада профессионал спортчилар қатнашмайди. Унда халқимиз, ёшларимиз иштирок этишади. Хўш, нима учун турнир айнан волейбол ва баскетбол бўйича танланди? Агар дунё спортига назар ташласак, биз юқорида номини таъкидлаган ўйинлар омманинг энг севган спорт турларидандир. "Камолот кубоги"дан кўзланган мақсадлардан бири ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтиришдир. Ҳозир Республикамизда 2500га яқин ёпиқ ва 7000га яқин очиқ волейбол ҳамда баскетбол спорт иншоотлари мавжуд. Кубок ёшларимиз учун чинакам байрамона кайфиятда, юксак даражада ўтишини таъминлашимиз зарур.

**Ёқубжон ТУРСУНОВ, "Камолот" жамғармасининг Тошкент вилоят бўлими раиси:**

-- Ҳар бир миллатни дунёга унинг спорти ва маданияти танитади. Шу нуқтаи назардан қараганда, юртимизда сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида жуда катта ишлар амалга оширилди.

"Камолот кубоги"ни намунали ўтказиш учун вилоятдаги тегишли ташкилотлар билан биргаликда тадбирлар ишлаб чиқдик. Жамоа хўжаликлари, мактаблар, ташкилотларда илк мусобақалар бошланиб кетди.

**Шавкат АБДУРАҲМОНОВ, "Камолот" жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раисининг ўринбосари:**

-- Ўтказилаётган мусобақаларни оммавий ахборот воситаларида, айниқса, вилоят телевиденисида ёритишга катта эътибор бермоқдамиз. Ҳозир Косон, Касби туманларидаги мактаб ўқувчилари ўртасида мусобақалар бошланди. Айрим масалалар бўйича муаммолар ҳам йўқ эмас. Айтайлик, болаларнинг спорт кийими борасида қийинчиликлар бор. Лекин биз уларни имкон қадар ҳал этишга интиляпмиз.

**Хайриддин МАЪСУДОВ, Республика Халқ таълими вазирининг ўринбосари:**

-- Юртимизда 9 мингдан ортиқ мактаб бор. Барча ўқувчиларимизни "Камолот кубоги"га жалб этмоқдамиз. Изланиш бор жойда муаммоларнинг бўлиши ҳам табиий. Мен масаланинг моддий жиҳатини назарда тутяпман. Айрим мактабларимизда спорт жиҳозлари, коптоклар, ўйин турлари, саватлар етарли эмас. Муаммоларни бартараф қилиш учун ҳокимликлар, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қиляпмиз.

**Абдумурод ЮНУСХЎЖАЕВ, Республика Ички ишлар вазирлигининг шахсий таркиби билан ишлаш хизмати бўлими бошлиғи муовини:**

-- 25 февралдан бошлаб вазирликда мазкур мусобақаларнинг иккинчи босқичи бошланади. Биз бу борада етарлича тажрибага эгамиз. Чунки ўтган йилги спорт мусобақаларида муваффақият билан иштирок этгандик. Бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, жойларда мусобақа жадвалини ички ишлар бошқармаси бўлинмалари билан келишиб тузилса айни муддао бўлур эди.

**Мақсуд ШУКУРОВ, "Камолот" жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими раисининг ўринбосари:**

-- Ҳозир сўз юритилаётган тадбир бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқдик. Ташкилий қўмита йиғилишида вазифалар аниқ белгилаб олинди. Турнирни юқори савияда ўтказиш бўйича тарғибот ишлари ҳам олиб бориляпти. Вилоятдаги барча ўқув даргоҳлари, мактаблар, олий ўқув юртлари, корхоналардаги ёшларнинг барини мазкур мусобақага жалб этиш ниятимиз бор.

**Маҳсет ХЎЖАМБЕРГЕНОВ, "Камолот" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раисининг муовини:**

-- Ёшларни оммавий спортга жалб қилиш мақсадида ташкил этилган "Камолот кубоги" тунирини Қорақалпоғистон ёшлари ҳам қўллаб-қувватлайди. Барча ташкилий масалалар ўз ечимини топмоқда. Тўғриси бизда об-ҳаво шароити ёмон. Шунинг учун ҳам мусобақаларни ёпиқ иншоотларда ўтказмоқчимиз.

**Назокат УСМОНОВА**




### Шу сонга хабарлар

**"СОҒЛОМ АВЛОД, СОҒЛОМ КЕЛАЖАК" --**

шиори остида куни кеча "Камолот" жамғармаси Тошкент вилояти Ангрен шаҳар бўлими томонидан спорт мусобақалари ўтказилди.

Ҳайъат аъзолари томонидан ушбу тадбирга пухта тайёргарлик кўрилганлиги, иштирокчилар учун барча шароитлар яратилганлиги, қатнашчиларнинг имконият ва қобилиятлари одилона баҳоланиши барча қатнашчилар ва томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Эрта тонгдан то кечга қадар давом этган бу беллашувларда ёшлар тош кўтариш, футбол, арқон тортиш, қўл кучини синаш каби спорт турлари бўйича куч синашдилар. Мусобақада футбол ўйини бўйича Ангрен Давлат Педагогика институтининг география факультети талабалари ғолиб чиқишди. Тош кўтариш бўйича политехникумнинг, арқон тортиш бўйича педагогика институти талабалари ғолиб деб топилди.

Мусобақа сўнггида юқори кўрсаткичларга эришган талабалар А.Хунаров, И.Тўраев, И.Хўжабоев, М.Тинисовларга жамғарманинг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**ЖЎРА МАҲМУДОВ**

### ХОТИРА ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

Фарғонада авиафалокат сабабли ҳалок бўлган «Пахтакор»чилар хотирасига бағишланган футбол турнири бошланди. Бу йилги беллашувлар зоналарга бўлинган ҳолда ўтказилмоқда. Шунга кўра 10 та футбол жамоаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда бир ҳафта давомида ўзаро куч синашади. Ўз гуруҳида ғолиб чиққан жамоа турнирнинг финал баҳсларида беллашади.

1980 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу мусобақаларда Наманганнинг «Навбаҳор» клуби тўрт бор зафар қучган, Тошкентнинг «Трактор» жамоаси эса иккинчи поғонага кўтарилган эди.

**Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири**



